

O'ZBEK TILIDA KONFERENSIYA HISOBOTLAR

BO'LIM 1.

TARIXIY FANLAR

1.1. VATAN TARIXI

БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАЗКИРАНАВИСЛИК (XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИ)

Холназарова Латофат Самиевна

*т.ф.н., Тошкент давлат техника университети,
Ўзбекистон, Тошкент*

XIX аср охири – XX асрбошларида ҳам Ўрта Осиё халқлари орасида адабий ҳаёт анъанавий тарзда давом этган. Бундан Бухоро амирлиги ҳам мустасно эмас амирликда адабий кечалар, мушоиралар ўтказилиб турилган. Аммо бутун адабий ҳаёт ҳукмрон доира таъсирида бўлиб, уларнинг буюртмалари асосида тазкиралар яратилган. Бухоро амирлигида яшаб ижод қилган шоир ва олимлар ҳақидаги тарихий маълумотлар жамланган. Шоирлар, тарихнавислар ва бошқа ижод аҳли фаолиятида анъанавий йўналишлар давом этиши билан бирга янги мазмун, янги шакл намоён бўлган. Масалан, А Дониш, С. Айний, Садри Зиё, А. Фитрат ва бошқалар ўз асарларида манғит амирлари сулоласи тарихини ёзиш билан бир қаторда, ўша давр муаммоларини кескин танқид остига олганлар [1, б.184].

Қори Раҳматуллоҳ Возеҳ томонидан тузилган “Тухфат-ул-аҳбоб фи-тазкират ул-асҳоб” тазкирасида Бухоро ва Қўқонда яшаган 150 нафар шоирларнинг таржимаи ҳол ва ғазаллар тўплами баён этилган [2, С.29-30,145^в в]. Возеҳ зуллисонайн бўлиб, ҳам тожик, ҳам ўзбек тилларида кўплаб қасида, рубоий, ғазаллар ёзган. Бундан ташқари, тарих, табиатшунослик, этика, тиббиётга доир асарларни таржима қилган.

Мирсиддиқ Ҳашматнинг “Тазкираи уш-шуаро” [3, 99в] тазкирасида Ўрта Осиё, Ҳиндистон ва Афғонистоннинг айрим шаҳарларидан ташриф буюрган 85 нафар шоир ва олимлар ҳаётий фаолияти ҳақидаги маълумотлар ёритилган. Абдумуталлиб Фахмийнинг “Тазкираи Фахмий” [4, 174в] номли тазкирасида зикр этилишича, мамлакатда XIX асрда 300 нафар шоирлар яшаб ижод қилган. Асарда Бедил, Хофиз, Низомий, Исмаи Бухорий, Савдо, Возеҳ каби аввалги тазкиранависларнинг тазкираларидан қисқача маълумотлар, айрим тазкиралардан эса тўлиқроқ (Возеҳдан) маълумотлар берилган бўлиб, адабиёт ихлосмандлари учун муҳим манба ҳисобланади.

Садри Зиёнинг XX аср бошларидаги Бухоро маънавий ва адабий ҳаёти ва тарихига доир кенг маълумот берадиган **“Тазкират уш – шуарои мутаққадимин”, “Шуарои мутааххирин”** ҳамда **“Фузалои мутааххирин”** тазкиралари ҳам мавжуд. Унинг **“Тазкират уш – шуарои мутаққадимин”** ва **“Шуарои мутааххирин”** асарлари 1926-1927 йиллар давомида Давлатшоҳ Самарқандийнинг **“Тазкират уш – шуаро”**си ва Лутф Алибек Озарнинг **“Оташқада”** тазкиралари асосида тузилган.

Садри Зиёнинг хизматларини таъкидлаш жоизки, у Давлатшоҳ тазкирасида эътибордан четда қолдирилган Ибн Сино, Хўжа Низомулмулкдек ёки унга киритилмаган баъзи бир шоир мутафаккирлар ҳақидаги маълумотлар билан тўлдирган [5, 272^а-272^бв]. Унинг бу тазкираларни тартибга келтиришдан асосий мақсади, улар асосида XIX - XX асрнинг бошларидаги Бухоро адабий муҳити, жумладан тожик адабиёти тарихини мукаммал китоб ҳолатига келтириш эди. Ана шу мақсад учун Садри Зиё аввал **“Тазкират уш – шуарои мутаққадимин”** ва **“Тазкират уш – шуарои муосирин”** номли тазкираларини тузган.

Садри Зиёнинг **“Шуарои мутааххирин”** [6, 332^б в] (**яъни ҳозирги давр шоирлари**) номли тазкирасида XIX асрда Бухорода яшаб ижод қилган 88 шоиру олимлар: шу жумладан, Султонхўжа “Адо”, Гулмуҳаммад ибн Афғон, Бақоҳўжаи “Бақо”, Аҳмад Дониш, Забеҳо, “Зухурий” - Саъдулло, “Баҳор” Робеъ маҳдум, “Бебок” Муҳаммад Бокирхўжа, “Возеҳ” – Қори Раҳматуллоҳ, “Исо” - Исо маҳдум, Ирсий, “Лисоний” – Муҳаммадий, “Музтариб” – Абдулмажид, “Оташий” – Бақоҳўжа, “Порсо” - Порсохўжа садри, “Савдо” – Абдулқодирхўжа, Мирзо Содик Мунший, “Фазлий” – Фазлиддин, “Ҳозик” - Жунайдуллоҳ ибн Исломи шайх, “Жавҳарий” - Муҳаммад Иброҳим, Фитрат ва бошқалар ҳақида маълумот беради.

Тазкира муаллифи уларни тузишда Воехнинг “Тухфат ул-аҳбоб”и [7, с.29-43] тазкирасига асосланган. “Тухфат ул-аҳбоб”да келтирилган 87 шоирнинг номи, “Шуарои мутааххирин”да ҳам келтирилган. Муаллиф ўз тазкирасининг охирида: “Таммом бўлди, Қори Раҳматуллоҳий Воех” [8, 332^{бв}] деган сўзларни ёзиб қолдиргани шуни кўрсатадики у Воех асарининг маълумотларини келтириш билан қифояланмай, унинг баъзи маълумотларини анча тўлдирган. Садр Зиёнинг иловалари Аҳмад Дониш ва иккинчи бобдаги шоирлар, замондош яъни XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳаёт бўлганларига тегишли. Садр Зиё Воех маълумотларига қаноатланмай, улар ҳақида батафсил тўхталишга ҳаракат қилган. Чунончи, Воех шоир Порсоҳўжа вафот этган ерни Ҳиндистон бўлса керак деган тахмин билан қифояланган [9, б 63]. Садри Зиё эса “Амир Музаффархон томонидан Византия сафарига масъул бўлган, қайтишда Қобул вилоятдан маҳрум бўлган”лигини айтади [10, 323^{ав}]. Мирзо Муҳаммад-Аминга нисбатан ҳам у Қори Раҳматуллоҳ [11, 6.167] маълумотларини такрорлаб, қуйидаги фактларни илова қилади: “Мирзо Муҳаммад-Амин ... Ҳусайнхонтўра бинни амир Сайиднинг шахсий котиби бўлган” [12, 332^а]. Бу ерда 1826 йилда Мирзо Муҳаммад-Аминнинг котиб бўлганлигига ва шу даврда яшаганига ишора қилинади.

Садри Зиё Ҳозиқ – Жунайдуллоҳ ибн Ислоҳ шайх ул-ислоҳ Қундузий ҳақида қуйидагиларни ёзган: “Қайси ҳолатда бўлса ҳам амир Насруллоҳ улар (яъний Жунайдуллоҳ)дан ранжиган. Бу ҳолатда уни Шахрисабзга юборган. Шахрисабзда Бухоро амири томонидан қатл эттирилган” [13, 323^{бв}]. Аммо Қори Раҳматуллоҳ Жунайдуллоҳнинг қатлини хабар қилишга шошилмади [14, 6.167]. Ёки Воех Мирақ Хўжа аълам “Мирақ” таҳаллусли кишининг ҳаёти ҳақида маълумот бермайди. Садри Зиё шу олим ҳақида қуйидагиларни илова қилади “Амири Саид (амир Ҳайдар) даврида аълам мансабида бўлиб, Говкушон мадрасасида мударрислик қилган. Охунд Домулло Ҳасан ул жанобнинг шоғирдларидандирлар” [15, б. 240-242].

Бундан маълум бўладики, Садри Зиёнинг асари “Тухфат ул-аҳбоб” нинг нусхаси бўлмай балки унинг асосида ёзилган янги асардир.

XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳаёт бўлган шоирларнинг таржимаи холини ёритар экан, Садри Зиё Воех тазкирасига муҳим нарсаларни илова қилади. Шунинг учун ҳам шоирлар ҳақидаги бобда у Исо, Фитрат, Мажнун, Ломий, Қадрий ҳақида кенгроқ маълумот берган [16, 327^б-330 в]. Масалан Садри Зиё Исо маҳдумнинг таржимаи холига қуйидагини илова қилган: “Ҳожи Мир Исо маҳдум фазлу

камолотга етган, турли илмларга эга бўлган, ҳадис илмида, ҳисобда, шеърят ва ҳаттотлик, мусикада, шоҳмот ўйинида ўз даврининг беназир илм эгаси эди”. У Амир Абдуллаҳадхон даврида “муфтилик ва Турсунжон мадрасасида мударрислик вақтида жаннат саройига равона бўлди”[17, 327^б].

Сўфихўжа эшон ҳақида ҳам маълумотлар беради

“Сўфи” – Сўфихўжа тахаллусидир. Асли Хатлонлик, Бухоро-ю Самарқандда улуғ мансабларда фаолият юритган. Амир Насруллоҳ даврида, Бухоро ва Самарқандда қозикалон ва раислик лавозимида фаолият юритиб, Говкушон ва Кўкалдош мадрасаларида муфтийлик, охундлик ва мударрислик қилган. Ҳисор ҳокими Яқуб кушбеги ул зоти олийлари учун шоҳона кийим-бош юборган. Бу бобда айтилганлар:

Зилутфи ў чй нависам бар аҳли фазлу камол,

Ба сўфиён бирасонад либоси шоҳиро [18, 327^а].

Маъноси:шоҳлик либосин сўфийларга етказинлар.

фозил инсонлар етуклиги ва илтифотидан не ёзай,

Ушбу ўринда тафовут тил ёки сўз билан эмас, балки Садри Зиё маълумотлари Воезхникидан жиддий ва етарлироқлигидадир.

Садри Зиёнинг сўзлари қуруқ ҳамду санолардан иборат бўлмай, балки асосий маълумотлардан иборатдир. Масалан, Аҳмад Дониш ҳақида: муҳандис, ўроқ, “Наводир ул-вакоеъ” (“Нодир воқеалар”) асари ва бир неча асарлар муаллифи, нодири даврон фариди даҳр ва овон, Амир Музаффархон ҳукмронлиги давридаги Россия сафарига бир неча бор бошчилик қилган, 1314 (1897 йил)да оламдан ўтган [19, 327^б-330^б].

Унингсўзларида ҳеч қандай муболаға бўлмай, бунинг барчаси буюк мутафаккир ҳақида ихчам фикрдир.

Бухоро адабий ва илмий муҳити ҳақида қимматли маълумотлар берувчи Садри Зиёнинг яна бир асари “Фузалои мутааххирин”дир. Бу тазкиранинг ёзилиш вақти ҳақида ҳеч нарса демаган.

“Фузалои мутааххирин”да XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида, яъни Амир Музаффар (1860-1885), Абдулахад (1885-1910), Олимхон (1910-1920) ҳукмронлиги даврида ҳамда қисман собиқ иттифоқ даврида яшаб ижод қилган 79 нафар шоир ва донишмандлар, уларнинг вафот этган саналари ёзиб қолдирилган.

Ушбу тазкирада аксарият шоирларнинг яшаган жойлари Бухоролиги, айримлари эса Бухорога тобе бўлган жанубий вилоятлардан бўлсаларда, ўз фаолиятларини Бухорода давом эттирганликлари алоҳида таъкидланади. Масалан, Садри Сарир (Балх),

Гавҳарий (Эрон), Васлий (Самарқанд), Мавзун (Бадахшон), Нодир (Бойсун), Мирзо (Китоб) ва бошқалар.

Бу тазкирада номлари келтирилган шоирларнинг баъзи бирлари муаллиф билан ҳамсухбат бўлиб, баъзи бирлари эса унинг ёру - дўст ва биродарлари бўлганлар.

Шоир Мирзо Назруллоҳ Лутфийни эслаб: “Лутфийроқим Зиёи Садрининг дўстидир” [20, 337^{бв}] деб ишора қилган.

Садри Зиё асарда 20 нафар шоирнинг таржимаи ҳоли ҳақида маълумотлар берган. Тазкирада Сомийнинг қуйидаги асарлари:

“Тухфаи шоҳий”, “Танзеҳ ул иншо”, “Даҳмаи шоҳон”, “Миръот ул-якин”, “Фазеҳот уш-шиа”, “Аълум ун-нос”, “Мафотех”, уларнинг бари таржима қилинмаганлиги ҳақида ҳам эътироф этилган [21, 334^в, 13-20 б].

Муаллиф шоир Имомаддин “Банда” ҳақида батафсил маълумот бермаган, у Сиддиқхонтўра Ҳашматнинг сўзлари билан қаноатланган: Банда унинг таҳаллуси, мулло Имом илоҳиёт илмининг билимдони, у асли Ҳисорликдир. “Имомаддин аълам, имоматро нашоёд (Имомаддин аълам, имомликка ярамайди)” [22, 333^в].

Асарнинг саъзлик жиҳатлари шундаки, муаллиф баъзи шахслар ҳақида маълумот бермасдан “аҳволи маълум, ашъори маъруф” деган сўзлар билан кифояланган [23, 333^{ав}].

Бу тазкиранинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, айрим воқеалар уларнинг иштирокчилари тилидан берилади. Улар: Икром, Сафилий, Саҳбо ва Саррофлардир.

Муаллиф баъзи бир шоир ва олимларнинг ижтимоий - иқтисодий аҳволини ўрганиб чиққан. Масалан, шоир Абдуллоҳ Авзаҳ ҳақида : “Авзаҳ... камбағалликда яшарди. У ҳаззол ва художўй эди. Амир Музаффархон ва амир Абдулаҳадхонларнинг муосиридир” [24, 333^{ав}] “Фузалои мутааххирин” содда ва равон тилда ёзилган бўлиб, у ўзининг оммабоплиги билан XIX асрнинг охири XX аср бошларида яратилган тазкиралардан фарқ қилади. Тазкирада шоирлар ҳаёти ва ижодига юқори баҳо берган. Бу рисоланинг қиймати шундаки, унда келтирилган маълумотлар бошқа материалларда такрорланмайди.

Афзал Маҳдум Пирмастнинг “Афзал ат-тазкор” тазкираси Амир Абдулаҳадхоннинг (1885-1910 йй.) тавсияси билан тайёрланган. (“Тазкираи оли” деб ҳам аталган.) Тазкирада XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида яшаган 135 та олим ва шоирлар ҳақида маълумотлар берилган. Шулардан 15 нафари Возеҳ тазкирасида учрайди.

Ҳозирги пайтда Афзал тазкирасининг саккизта қўлёзма нусхаси мавжуд бўлиб, шулардан еттитаси ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида

сақланади. Тазкирада XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро хонлигида яшаган 135 та шоир ва олимлар номи қайд этилган. Афзал Махдум, Адбулахад (1885-1910) ҳукмронлик қилган даврни адабиёт гуллаб-яшнаган давр сифатида кўрсатишга уринади ва шоирлар сафини сунъий тарзда кенгайтиради.

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро амирлигида мавжуд ижтимоий - сиёсий муҳитга қарамай баъдий ва адабий муҳит ўз маромида давом этди. Бухоро амирлигида яшаб фаолият юритган мутафаккирлар, уларнинг ижодлари ҳақида тазкиралар яратилди. Тазкиранависликда муҳим ютуқларга эришилди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Бухоро шарқ дурдонаси. Бирлашган Миллатлар ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти. – Париж, 1997. – Б. 184.
2. Хади-Заде Р. Источники к изучению таджикской литературы второй половины XIX века. – Сталинабад, 1956. – С. 29-30; Возех. Тухфат-ул-ахбоб фи тазкират- ил-асхоб // Қўлёзма. ЎзР ШИ фонди, инв. № 2336/1. – 145 в.
3. Мирсиддик Ҳашмат. Тазкираи уш-шуаро // Қўлёзма. ЎзР ШИ фонди. Инв. № 2729. – 99 в.
4. Абдумуталлиб Фахмий. Тазкираи Фахмий//Қўлёзма. ЎзР ШИ фонди. Инв. № 2331. – 1 74 в.
5. Садр Зиё. Тазкират-уш-шуарои мутақаддамин, .272^а варақда Ибн Сино, 272^б варақда Хўжа-Низомулмулк ҳақида маълумот берилган.
6. Тазкиранинг тўлиқ номи “Шуарои мутааххирин ва фузалои муосирини роками адим-ул кадр Зиёи Садр” бўлиб, унинг нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти фондида №2193 рақам остида сақланмоқда.
7. Хади-заде Р. Источники по истории изучения таджикской литературы конца XIX-начала XX вв. Душанбе, С. 29-43.
8. Шуарои мутааххарин, 332^бварақ.
9. Возех. Тўхфатул-ахбоб, фи тазкиратул-асхоб. - Тошкент, 1914. – Б. 63.
10. Шуарои мутааххарин, 323^аварақ.
11. Возех. Тўхфатул-ахбоб. Б. 167.
12. Шуарои мутааххарин, 332^аварақ.
13. Ўша жойда, 323^бварақ.
14. Возех. Тўхфатул-ахбоб. – Б. 167.
15. Ўша жойда, 240-242 б.
16. Шуарои мутааххарин, 327^б – 330^аварақ.
17. Ўша жойда, 327^бварақ.

18. Шуарои мутааххарин, 327^аварақ.
19. Ўша жойда, 327^б-330^бварақ.
20. Ўшажойда, 337^бварақ.
21. Ўша ерда, 334 варақ.Қаранг: Л.М.Епифанова Мирзо Абдулазим Сомий “Тарихи салотини манғития” китобига сўз боши. М.,1962 ,13-20 б.
22. Фузалои мутааххири, 333 варақ.
23. Ўша ерда, 333^аварақ.

«НАУЧНАЯ ДИСКУССИЯ: ВОПРОСЫ СОЦИОЛОГИИ, ПОЛИТОЛОГИИ, ФИЛОСОФИИ, ИСТОРИИ»

*Сборник статей по материалам LX международной
научно-практической конференции*

№ 3 (55)
Март 2017 г.

В авторской редакции

Мнение авторов может не совпадать с позицией редакции

Подписано в печать 14.03.17. Формат бумаги 60х84/16.
Бумага офсет № 1. Гарнитура Times. Печать цифровая.
Усл. печ. л. 5,125. Тираж 550 экз.

Издательство «Интернаука»
127276, г. Москва, ул. Ботаническая, д. 14, офис 21
E-mail: mail@internauka.org

Отпечатано в полном соответствии с качеством предоставленного
оригинал-макета в типографии «Allprint»
630004, г. Новосибирск, Вокзальная магистраль, 3